INTERNATIONAL JOURNAL
ALISHER NAVOIY

VOLUME 2
ISSUE 3
2022

ISSN 2181-1419
Doi Journal 10.26739/2181-1419

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

2-JILD, 3-SON

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ

ТОМ-2, НОМЕР-3

INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

VOLUME-2, ISSUE-3

TOSHKENT - 2022

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ | INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

№3 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-1419-2022-3

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

MIRZAYEV IBODULLA
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
МИРЗАЕВ ИБОДУЛЛА
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
MIRZAYEV IBODULLA
DSc, professor (Uzbekistan)

BOSH MUHARRIR O‘RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:

JABBOROV NURBOY
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
ЖАББОРОВ НУРБОЙ
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
JABBOROV NURBOY
DSc, professor (Uzbekistan)

TAHRIRIY HAY’ATI:

Muhiddinov Muslihiddin
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Sirojiddinov Shuhrat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Rasulov Ravshanxo‘ja
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilorom Salohiy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Sodiqov Qosimjon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Mark Tutan
f.f.d., professor (Fransiya)
Binnatova Almaz Ulvi
f.f.d., professor (Ozarbayjon)
To‘xliyev Boqijon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Shodmonov Nafas
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ramiz Asker
f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Yo‘ldoshev Qozoqboy
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Jo‘raqulov Uzoq
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Funda Toprak
f.f.d., professor (Turkiya)
Nabiulina Guzal
f.f.d., professor (Tatariston)
Yusupova Dilnavoz
f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Rahim Ibrohim
f.f.d., professor (Afg‘oniston)
Suvonova Jumagul
f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asadov Maqsud
f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Sultanov Tulkin
PhD, dotsent (O‘zbekiston)
Mirzayev Rahmatilla
y.f.n., dotsent, huquqshunos (O‘zbekiston)
Muhitdinova Badia
f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Ruzmanova Roxila
dots., mas’ul kotib (O‘zbekiston)
Narziyeva Ma’mura
kotib, o‘qituvchi (O‘zbekiston)

ILMIY MASLAHAT KENGASHI

Toshqulov Abduqodir
i.f.d., (O‘zbekiston)
Xalmuradov Rustam
t.f.d., professor (O‘zbekiston)
Eshqobil Shukur
O‘zbekiston Respublikasida xizmat ko‘rsatgan madaniyat xodimi, shoir (O‘zbekiston)
To‘xtasinov Ilhom
p.f.d. (O‘zbekiston)
Rixsiyeva Gulchehra
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Benedek Peri
f.f.d., professor (Vengriya)
Ko‘chiyev Ismat
publisist, O‘zbekiston va Belorussiya yozuvchilar uyushmasi a’zosi (O‘zbekiston)
Olimov Karomatillo
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dadaboyev Hamidulla
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aitpayeva Gulnora
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Rahmonov Nasimxon
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Shomusarov Shorustam
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dyu Rye Andre
f.f.d., professor (Fransiya)
Pervin Chapan
f.f.d., professor (Turkiya)
Hamroyev Juma
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibrohimov Elchin
f.f.n., professor (Ozarbayjon)
Jo‘rayev Shokirjon
F-m.f.d., professor (O‘zbekiston)
Hasanov Shavkat
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nurullo Oltoy
f.f.n., (Afg‘oniston)
Xalliyeva Gulnoz
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Alim Labib
f.f.d., professor (Afg‘oniston)
Nodira Afoqova
f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Aftondil Erkinov
f.f.d., professor (O‘zbekiston)

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Расулов Равшанхужа
д.ф.н., профессор (Узбекистан
Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)
Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Фунда Топрак
д.ф.н., профессор (Турция)
Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татаристан)
Юсупова Дилнавоз
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Сувонова Жумагул
к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Асадов Максуд
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Султанов Тулкин
PhD, доцент (Узбекистан)
Мирзаев Рахматилла
к.ю.н., доцент (Узбекистан)
Мухитдинова Бадиа
к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)
Нарзиева Мамура
секретарь, преподаватель (Узбекистан)

НАУЧНО-КОНСУЛЬТАТИВНЫЙ СОВЕТ:

Тошкулов Абдукодир
к.э.д., (Узбекистан)
Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Эшкобил Шукур
Заслуженный работник культуры
Республики Узбекистан, поэт (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Кочиев Исмат
Публицист, член Союза писателей
Узбекистана и Беларуси (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Аитпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рахмонов Насимхон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Джураев Шокирджон
д.ф-м. н., профессор (Узбекистан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Алим Лабиб
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Нодира Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

EDITORIAL BOARD:

Mukhiddinov Muslikhiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sirojiddinov Shukhrat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Rasulov Ravshankhuja
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dilorom Salokhiy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sodikov Kosimjon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Mark Tutan
Doc. of philol. scien., prof. (France)
Binnatova Almaz Ulvi
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Tukhliev Bokijon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shodmonov Nafas
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ramiz Asker
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Yuldoshev Kozokboy
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Jurakulov Uzok
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Funda Toprak
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Nabiulina Guzal
Doc. of philol. scien., prtof. (Tatarstan)
Yusupova Dilnavoz
Doc.. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Rakhim Ibrokhim
Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)
Suvonova Jumagul
Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Asadov Makhsud
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Sultanov Tulkin
PhD, assoc. prof. (Uzbekistan)
Mirzayev Rahmatilla
Cand. of legal scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Mukhitdinova Badia
Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)
Ruzmanova Rokhila
Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)
Narziyeva Ma'mura
Secretary, teacher (Uzbekistan)

SCIENTIFIC ADVISORY BOARD:

Toshkulov Abdukodir
Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)
Khalmuradov Rustam
Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)
Eshqobil Shukur
Honored Worker of Culture of the
Republic of Uzbekistan, poet (Uzbekistan)
Tukhtasinov Ilkhom
Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)
Rikhsieva Gulchekhra
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Benedek Peri
Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)
Kochiyev Ismat
Publicist, member of the Writers' Union of Uzbekistan and Belarus (Uzbekistan)
Olimov Karomatullo
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dadaboev Khamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Aitpaeva Gulnora
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Rakhmonov Nasimxon
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shomusarov Shorustam
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dyu Rye Andre
Doc. of philol. scien., prof. (France)
Pervin Chapan
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Khamroev Juma
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ibrokhimov Elchin
Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Juraev Shokirjon
Doc. of phys.-math. scien., prof. (Uzbekistan)
Khasanov Shavkat
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Nurullo Oltoy
Cand. of philol. scien., (Afghanistan)
Khallieva Gulnoz
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Alim Labib
Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)
Nodira Afokova
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Aftondil Erkinov
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

HAQIQAT SARI SAFAR

1. **Sultonmurod Olim**
"LISON UT-TAYR"DA KOMPOZITSION QAT'IYAT, SIMMETRIYA VA AYRIM NOMUTANOSIBLIKLAR……...9

MA'RIFAT YOG'DUSI

2. **Rafiddinov Sayfiddin**
"MAHBUB UL-QULUB" ASARIDA QUR'ON OYATLARI……23
3. **Rahmonova Zulayho**
ALISHER NAVOIY ASARLARIDA SHARIAT VA TARIQAT MUSHTARAKLIGI…….29
4. **Suvonova Jumagul**
"ARBA'IN"LAR JILOSI-AHLI ADAB IMOSI…….....36
5. **Avaznazarov Odiljon**
ALISHER NAVOIY DOSTONLARIDAGI YO'L, YO'LOVCHI, SAFAR VA MANZIL TALQINLARIDA BADIIY TUSHLARNING ROLI……44
6. **Farruxbek Olim**
"HOLOTI SAYYID HASAN ARDASHER"DA INSONIY VA IRFONIY FAZILATLAR…58

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

7. **Shodmonov Nafas, Shodmonov G'iyosiddin**
"XAMSA" ILMIY-TANQIDIY MATNLARI QIYOSIY TADQIQI VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOSI……...64
8. **Ubaydullayeva Umida**
ALISHER NAVOIY "LAYLI VA MAJNUN" DOSTONIDA ASTRONOMIK TERMINLAR……78

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

9. **Zarifa Xusanova**
BADIIY MATNLARDA LAQABLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING LINGVOPRAGMATIK XUSUSIYATLARI……..87
10. **Erkinov Aftondil**
ALISHER NAVOIY ASARLARINING BUTUNJAHON QO'LYOZMALARIGA OID AYRIM MA'LUMOTLAR: ROSSIYA FONDLARI…….....94
11. **Qurbonov Abdumalik**
ZAKI VALIDIY TO'GONNING NAVOIY HAQIDA QARASHLARI……104

ASLIYAT UMMONI

12. **Zaki Validi To'g'on**
ALISHER NAVOIY. *Turk tilidan A. Erkinov, A. Qurbonov tarjimasi*……..……..112
13. **Karayev Umed**
BIR BAYT SHARHI YO NAVOIY TAZKIRASIDAGI AYRIM SO'ZLAR TARJIMALARI HAQIDA…….....124
14. **Unal Zal**
ALISHER NAVOIY ASARLARI SHVETSIYADA.
Turk tilidan R.Ruzmanova tarjimasi…….....132

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O‘ZBEK ADABIYOTI

15. Yuldasheva Gulandom
ALISHER NAVOIY DAVRI MADANIY MUHITI (MARIYA SABTELNINING “TEMURIYLAR DAVRIDA” KITOBI ASOSIDA…….141

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

16. Madaliyeva Oysara
“ALISHER NAVOIY “TERMA DEVON”LARI TARKIBIDAGI G‘AZALLARNING MATNIY TADQIQI……..146

TALQIN, TAHLIL VA TAQRIZ

17. Muhitdinova Badia
MUNOSIB TUHFA……167

RETRO

18. Sharofiddinov Olim
NAVOIYNING QIZG‘IN IJODIY YILLARI……..……..……...170
19. Sadriddin Ayniy
ALISHER NAVOIY VA TOJIK ADABIYOTI …….....173
20. Hamid Sulaymon
TEMURIYLAR DAVRI BADIIY QO‘LYOZMA VA XATTOTLIK SAN’ATINI O‘RGANISH MASALALARI…….181

AZIZ MUSHTARIY!

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning “Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash ro‘g‘risida”gi PQ-4865-son Qarorida “Alisher Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy va umuminsoniy g‘oyalarning jahon tamaddunida tutgan o‘rnini hamda o‘sib kelayotgan yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, ular qalbida yuksak axloqiy fazilatlarni tarbiyalashdagi beqiyos ahamiyatini nazarda tutib, shuningdek, ulug‘ shoir va mutafakkirning adabiy-ilmiy merosini mamlakatimizda va xalqaro miqyosda yanada chuqur tadqiq qilish va keng targ‘ib etish…” lozimligi alohida ta’kidlangan.

Bu filologiya ilmi va navoiyshunoslik, xususan, adabiy ta’sir, qiyosiy adabiyotshunoslik, matnshunoslik va tarjima masalalari bilan shug‘ullanayotgan tadqiqotchilar zimmasiga jahonning ilg‘or texnologiyalari, nazariy g‘oyalariga hamohang ilmiy tadqiqotlar yaratish vazifasini yuklaydi. Olimlarimizning ilmiy salohiyati, innovatsion g‘oyalarini jahonda targ‘ib qilish va qo‘llab-quvvatlash maqsadida xalqaro nufuzga ega ushbu jurnal ta’sis etildi.

“Alisher Navoiy” deb nomlangan ushbu jurnalda navoiyshunoslik, Navoiy adabiy merosining umumjahon tamaddunida tutgan o‘rni va adabiy ta’sir masalalari bilan shug‘ullanayotgan tadqiqotchilarni o‘z maqolalari bilan ishtirok etishga taklif qilamiz.

TAHRIRIYAT

УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!

В Постановлении №ПП-4865 Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева “О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои” особо отмечается “огромное значение произведений Алишера Навои, в которых нашли глубокое отражение национальные и общечеловеческие ценности, в развитии мировой культуры, их роль в повышении интеллектуального потенциала и духовно-нравственном воспитании молодого поколения, а также в целях обеспечения дальнейшего изучения и популяризации литературно-научного наследия великого поэта и мыслителя…”.

Это ставит задачи перед филологами, навоиведами, исследователями литературного влияния, сравнительного литературоведения, текстологии и вопросов перевода создания научных исследований, соответствующих передовым мировым технологиям и теоретическим идеям. В целях пропаганды и продвижения научного потенциала и инновационных идей наших ученых учреждён данный международный журнал.

Приглашаем публиковать свой статьи в нашем журнале “Алишер Навои” отечественных и зарубежных исследователей, занимающихся изучением жизни и творчества литература Навои, его роли в мировой литературе, проблемами литературного влияния и сравнительной поэтикой.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ

DEAR READER!

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyoyev "On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi" No PP-4865 given the invaluable role of cultivating high moral qualities in their hearts, as well as the need to further study and widely promote the literary and scientific heritage of the great poet and thinker in our country and internationally .... "

This puts the task of researchers in the field of philology and Navoi studies, in particular, literary influence, comparative literature, textual studies and translation, in creating scientific research in harmony with the world's advanced technologies and theoretical ideas. This internationally renowned journal was established to promote and support the scientific potential and innovative ideas of our scientists around the world.

In this magazine, called "Alisher Navoi", we invite researchers who are interested in Navoi studies, the role of Navoi's literary heritage in world civilization and literary influence to participate with their articles.

EDITORIAL

ISSN: 2181-1419
www.tadqiqot.uz
ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ
INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

MA'RIFAT YOG'DUSI

Сайфиддин РАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди
E-mail: alfaqir@list.ru

"МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ" АСАРИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ

For citation: Sayfiddin Rafiddinov. VERSES OF THE QUR'AN IN THE WORK "MAHBUB UL-KULUB". Alisher Navoi. 2022, vol. 2, issue 3, pp.23-28.

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7302509

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида Ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони карим оятларидан қай даражада истифода этганини аниқлашга бағишланган. Хусусан, шоир ўз фикрини далиллаш ва таъсирчанлигини ошириш учун иқтибос санъати воситасида ўн тўрт жойда Қуръондан тўлиқ ёки оят парчасини келтирган бўлиб, қолган барча ўринларда у ёки бу даражада Қуръон оятларининг маъноси ёки қайсидир бир оятга ишора этгани мисоллар ёрдамида ўрганилган.

Навоий асарларида Қуръоннинг ўрни, у ёки бу даражадаги таъсири, улуғ шоирнинг дунёқараши, эътиқоди ва маҳоратини белгиловчи омиллардан экани муаллиф томонидан илмий далиллаб берилган.

Калит сўзлар: Қуръони карим, оят, "Маҳбуб ул-қулуб", табақа, дидактика, ахлоқ, хислат, хулқ, касб, ишора.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ,
Старший научный сотрудник
Института узбекского языка, литературы и
фольклора Академии наук Республики Узбекистан,
кандидат филологических наук
E-mail: alfaqir@list.ru

АЯТЫ КОРАНА В ПРОИЗВЕДЕНИИ «МАХБУБ УЛЬ-КУЛУБ»

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена определению того, в какой степени Алишер Навои использовал священную книгу ислама – Коран в своем произведении «Махбуб уль-кулуб». В частности, с помощью примеров исследовано то, что поэт цитировал весь или фрагмент аята

из Корана в четырнадцати местах с помощью искусства цитирования, чтобы доказать свое мнение и повысить её эффективность, а во всех остальных местах изучен смысл аятов Корана или ссылание на какой-либо аят.

Автором научно обосновано то, что роль Корана и его влияние в творчестве Навои является фактором, определяющим мировоззрение, веру и мастерство великого поэта.

Ключевые слова: Священный Коран, аят, «Махбуб уль-кулуб», класс, дидактика, нравственность, своеобразность, поведение, профессия, жест.

Sayfiddin RAFIDDINOV,
Senior Research Fellow, Institute of
Uzbek Language, Literature and Folklore of the
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Philological Sciences
E-mail: alfaqir@list.ru

VERSES OF THE QUR'AN IN THE WORK "MAHBUB UL-KULUB"

ANNOTATION

This article is devoted to determining the extent to how many Alisher Navoi used the holy book of Islam - the Koran in his work "Mahbub ul-Kulub". In particular, with the help of examples, it is investigated that the poet quoted the whole or a fragment of a verse from the Qur'an in fourteen places using the art of quoting in order to prove his opinion and increase its effectiveness, and in all other places the meaning of the verses of the Qur'an or reference to any ayat.

The author scientifically substantiates that the role of the Koran and its influence in the work of Navoi is a factor that determines the worldview, faith and skill of the great poet.

Keywords: Holy Quran, ayat, "Mahbub ul-Kulub", class, didactics, morality, originality, behavior, profession, gesture.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарини умрининг охирида, ҳаётни кўриб, кузатиб, маълум хулосаларга келган бир пайтда ёзди. Улуғ шоир асарида унинг ёзилиш сабабларини, турли табақа одамларнинг феъл-атворларини ҳамда инсоннинг руҳий ва ахлоқий камолоти билан боғлиқ қарашларини изчил баён қилиб беради.

Асар уч қисмдан: Аввалғи қисм: соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти. Иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти. Учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол ва суратидан иборат бўлиб, ҳар қайси қисмда мавзуга оид масалалар кенг ёритилган.

Маълумки, Шарқ мусулмон адабиётида дидактик ва ахлоқ йўналишида кўп китоблар ёзилган. Шу жумладан, Кайковуснинг “Қобуснома”си, Шайх Саъдийнинг “Гулистон”и ва Жомийнинг “Баҳористон” каби китобларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Навоий ҳам бу борада ўтган ва замондош шоирларнинг асарларини изчил ўрганган, ҳаёт ва давр одамлари ҳамда мукаммал ахлоқ ҳақидаги мулоҳазаю мушоҳадаларининг меваси сифатида мазкур асарини ёзган. Шундай қомусий асарнинг Қуръондаги ибратли ва ҳикматли оятлар маъноларидан ҳоли бўлмаслиги табиий ҳол, албатта.

Навоий ўз асарида фикрини далиллаш ва таъсирчанлигини ошириш учун иқтибос [Атоуллоҳ Ҳусайний 1981:242-243] санъати воситасида ўн тўрт жойда Қуръондан тўлиқ ёки оят парчасини келтиради. Қолган барча ўринларда у ёки бу даражада ақд санъати асосида Қуръон оятлари маъносини беради ёки қайсидир бир оятга ишора қилади.

Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. Навоий китоб муқаддимасида Аллоҳга ҳамд айтади. Унинг чексиз қудрати, яратувчилиги, поклиги ва комил сифатларга эгалигидан баҳс юритади. Аллоҳ ҳақидаги ҳар бир мулоҳазаси Қуръоннинг қайсидир оятларига бориб тақалади.

Ҳазрат Пайғамбаримизни таърифлар экан “олам ва одам вужудидин мақсуд анинг вужуди эрди” дейди. Бу ерда: “Лавлока ламо халақтул афлок”, Яъни “Агар сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмасдим” деган ҳадиси қудсий мазмунига ишора қилинган.

Асарда Меърож кечаси билан боғлиқ воқеалар ёритилар экан, ҳазрат Пайғамбаримизнинг рост ва содиқлигига далил бўладиган ушбу оятни келтиради: ”Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас («Ван-нажм» сураси, 3-оят). Ҳазрат Пайғамбар сўзларининг илҳом ё қандайдир хаёлга келган сўзлар эмас, балки ваҳий эканига оятнинг давоми келтирилади: “У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан Пайғамбарга ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир. («Ван-нажм» сураси, 4-оят).

Навоий Пайғамбаримиз Расули акрамни сифатлар экан, Қуръондан энг улуғ таърифлардан бирига тўхталади: “(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат, Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати –жаннатига етакловчи) қилиб юбордик”. («Анбиё» сураси, 107-оят). Мазкур оятнинг асарда ўз ўрнида қўлланилиши улуғ шоирнинг Аллоҳ каломини теран билганлигидан далолатдир.

Асарда ҳамду наътдан кейин адолатли султон зикрига ўтилади ва одил подшоҳ – Худонинг ердаги сояси, хилофат мулкининг фармондори экани таъкидлангач, Қуръондан: «Мен ерда халифа (Одам) яратмоқчиман» («Бақара» сураси, 30-оят)и келтирилади. Аслида бу оят Одам алайҳиссаломнинг яратилиши билан боғлиқ. Лекин шоир подшонинг масъулияти ва халифалигини ҳисобга олиб, мазкур оят унинг шаънига ҳам тегишлидир, дейди. Одил подшога мужда ўлароқ: “Бир соатлик адолат, инсу жин ибодатидан яхшироқ” деган ҳадисни келтиради.

Золим ва жоҳил подшоларни эса қаттиқ танқид қилади. Фиръавн ва унинг вазири Ҳомон каби ёмон подшоҳнинг вазири ҳам ёмон бўлади, дейди. Мусо алайҳиссаломга иймон келтирмаган ва кўп мужодалалар қилган Фиръавн ва Ҳомон қиссаси кўп оятларда баён қилинган. Жумладан, ҳар иккисининг хатокор эканлиги “Қасос” сураси, 8-оятда айтилади: “... Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари янглишган эдилар”.

Вазирлар ҳақида сўз юритганда эса вазир сўзининг ўзаги “визр”, яъни гуноҳ сўзидан олингани ва бу сўз унинг зотига лойиқ ва хос эканини таъкидлайди. Навоийнинг ёзишича, Сулаймон алайҳиссаломнинг вазири Осиф (ибн Бархиё) адолатли ва доно вазир бўлган. Унинг узугида “қад раҳимаҳуллоҳу ман ансафа”, яъни “Инсоф қилганга Аллоҳ раҳм қилади” сўзлари нақшланган. Аммо Осиф бу ноинсофлар орасидан ўзи билан инсофни олиб кетган. Дунёга инсофсиз вазирлар қолган. Шунинг учун ҳам “Даҳр элида бировки Осафниҳоддур, билгайким, Сулаймон тахти барбоддур” [Алишер Навоий 2011:457]. Навоий бу ўринда Қуръондаги Сулаймон алайҳиссалом қиссасига, аниқроғи, “Намл сураси, 40-оятга ишора қилган. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида эса бу воқеаларни янада батафсил баён қилади[Алишер Навоий 2011:581-582].

Динда ҳам, Шарқ адабиётида ҳам ахлоқ масаласи долзарб бўлган. Кўп атоқли шоирлар, мутафаккирлар, файласуфлар инсонларга тушунарли бўлиши учун ахлоқни иккига: яхши хулқлар ва ёмон хулқларга ажратишган ва талқин қилишган. Айниқса, манбаларда ҳазрат Пайғамбаримизнинг юксак ахлоқидан ибрат олишга чақиришган. Чунки дин уламоларининг таъбирича, Қуръони каримда Аллоҳ таоло ҳазрат Пайғамбаримизнинг молларини, қаҳрамонлигини, жасоратини, саховатини ва ҳоказо хусусиятларини очиқ мақтамади. Лекин у зотнинг хулқи ҳақида “Қалам” сураси, 4-оятда: “Албатта, сиз буюк хулқ узрасиз”, деб ахлоқларини алоҳида мақтади. Ҳадислардан бирида ҳам “Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилдим” дейилган. Демакки, бу ҳадисдан Пайғамбарликнинг асосий мақсадларидан бири, инсонларнинг хулқини ислоҳ қилиш, ёмон феъл-атворлардан халос қилиб, олижаноб ва гўзал фазилатларни шакллантиришдан иборат эканлиги аён бўлади.

Навоий айниқса, шайхул ислом, муфтийлар, қозилар ва мударрислар каби дин ва шариатга масъул бўлган кишилардан Қуръонни яхши билишни, ўқиган илмига жиддий амал қилишни, ахлоқли бўлишни қаттиқ талаб қилади. Мударрислар ҳақида гапирар экан, “Олим керакким, муттақий бўлса ва огоҳ ва айтури қолаллоҳ ва қола Расулуллоҳ” [Алишер Навоий 2011:463]. Яъни олим тақводор, покиза бўлиши ва оят ҳадисдан гапириши керак, дейди.

Асарда деҳқонлар қут-барака соҳиблари, дунёни яшнатадиган, одамларни хурсанд қиладиган кишилар сифатида мақталади. Улар рост ва салоҳиятлик бўлсалар сигирлари Солиҳ алайҳиссаломнинг туясига ўхшатилади. Бу ўриндаги ўхшатишлар ҳам Қуръон қиссасига ишора қилинган. Қуръоннинг “Аъроф” сураси, 77, “Ҳуд сураси 64, “Шамс” сураси, 11-15-

оятларда Солиҳ алайҳиссалом ва унинг туяси воқеаси баён қилинган. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” да ёзишича: “Солиҳ алайҳиссаломдин қавми ғариб муъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чиқорғил. Солиҳ алайҳиссалом дуо қилиб, Ҳақ таоло ул тошни шақ қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чиқти. Бовужуди мундоқ ҳол ул гумроҳлар нубувватиға муътариф бўлмадилар. Ва Солиҳ алайҳиссалом теваси ўтуз йилғача мавжуд эрди. Оқибат Самуд қавми ул тевани неча киши йибориб ўлтурттилар ва бўтаси қочиб тоғ сори юзланди” [Алишер Навоий 2011:546]. Шундан кейин Самуд қавми Аллоҳнинг қаҳрига учраб, бошларига бало ёғилиб, ҳаммаси ҳалок бўлади.

Деҳқоннинг қўш ҳайдаши Одам алайҳиссаломга ўхшатилади. Чунки биринчи деҳқончилик қилган киши Одам алайҳиссаломдир. Навоий бу боради Пайғамбарлар қиссасида ёзадики: “Ва Жаброил алайҳиссалом ҳубубот (донлар) келтуруб, Одамға қўш суруб, экин экмак қоидасин ўргатти” [Алишер Навоий 2011:540].

Асарда Атиббо (табиблар) зикри ҳам жой олган. Унда ҳозиқ табиб Исо руҳуллоҳга ўхшатилади. Исо, – дейди Навоий, – чиққан жонни дуо билан танга қайтарса, буниси даво қилиб танадин чиқадиган жонни ўрнига қайтаради. Қуръоннинг “Оли Имрон” сураси, 49-оятда шундай дейилади: “Шунингдек, уни Исроил авлодига пайғамбар (қилиб юборади ва у айтади): “Мен сизларга Раббингиз ҳузуридан (пайғамбарлигимга далолат қилувчи) мўъжиза билан келдим; мен сизларга лойдан қуш шаклини ясаб, унга дам урсам, у Аллоҳнинг изни билан (чинакам) қуш бўлади. Кўр ва песни тузатаман. Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларнинг еяётган ва захирада сақлаётган нарсаларингизни айтиб бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аломат бордир” [Қуръони карим 2018:56].

Навоий асарида ўтмиш анъанага мувофиқ ҳамида афъол (мақталган феъллар) ва замима хисол (ёмон хислатлар) ҳақида батафсил тўхталади. Тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, зикр каби мавзуларнинг ҳар бири деярли Қуръон оятларининг маъноларига йўғрилган. Масалан, Каломи шарифнинг саксондан ортиқ оятларида Аллоҳни зикр қилишга буюрилган[Маҳмуд Асъад Жўшъон 1999:3]. Навоий зикр шарҳида тўғридан-тўғри бирор оят келтирмаган. Лекин зикрнинг “Ҳақ ёди билан машғуллик” эканига урғу берар экан, ўнлаб оятларни назарда тутган. Асарнинг “тавба зикрида” тавбанинг барча шарт ва талаблари, хосият ва фазилатлари бирма-бир айтиб ўтилган.

Маълумки, Каломи мажиднинг тўқсонга яқин оятларида тавба қилишга амр этилган. Айни пайтда ҳақиқий тавба илоҳий иноят эканлигини таъкидлаган улуғ шоир Қуръондан: “...Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган (бандаси)га берур”. (“Моида” сураси, 54-оят)ни келтириш билан кифояланган.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги 127 та танбеҳдан ўнга яқин мавзуга оид бирор оят ёки оят парчаси қўлланган. Лекин қолган барчаси у ёки бу даражада Аллоҳ каломи билан мустаҳкам боғлиқ ва айримлари қайсидир оятнинг шарҳига ўхшаб кетади.

Тўғридан-тўғри оят келтирилган танбеҳлардан бири шундай: “... худписанд (мутакаббир, манман, ўзинигина севувчи) кишидирким, барча ёмон аҳволлари ўзига яхши кўринади. У бадшакл зот ўзини Юсуфи Канъоний деб, “анкар ал-асвот” товушини Юсуфи Андигоний хонишига ўхшатади. “Анкар ал-асвот”– “овозларнинг энг ёқимсизи”, деган маънони билдириб, Қуръоннинг “Луқмон сураси, 19-оятида учрайди. Оятда айтилишича Луқмон (ибни Боуро) уни (баъзилар пайғамбар айримлар вали ё ҳаким дейишган) ўз ўғлига шундай насиҳат қилган: “(Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир”. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Луқмони Ҳаким ҳақида маълумот бериб, қисса хотимасида шундай дейди:

Р у б о и й:

Луқмонники, баъзи дедилар пайғамбар,
Баъзи дедилар ҳакими покиза сияр.
Уч минг яшабон бу дайрни қилди мақар,
Минг мунча ҳам ўлса, қилғулуқдур бу сафар[Алишер Навоий 2011:584].

Эҳсон ҳақидаги 9-танбеҳда яхшиликка, эзгуликка тарғиб қилинади ва инсон бировга яхшилик қилса, албатта унга ҳам яхшилик етади маъносидаги “Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир”. (“Раҳмон” сураси, 60-оят)ни далил қилиб келтиради:

Навоий ҳаётда илмига амал қиладиган ва қилмайдиган ҳар турли одамларни кўрган ва маълум хулосаларга келган. Шу боис 62-танбеҳда шариатни тўғри ва ишончли йўлга ўхшатади ва ундан оғишмай юришни таклиф қилади. Бу йўлда собит ва тақводор бўлишнинг натижаси жаннатдир, дейди ва қуйидаги оятни келтиради: “Бас, (Эй Муҳаммад), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ тўғри йўлда бўлингиз! («Ҳуд» сураси, 112-оят)

Яхшиларга эргашиш ҳақидаги 19-танбеҳда: “Яхшиларга эришмак – итни поклар чаргасига қотти ва ёмонларга қоришмоқ – анбиё авлодин жаҳаннамга узатти” дейилади. Бу жумлада икки оятга ишора қилингани кўриниб турибди. Биринчиси “Каҳф” сурасиси 9-22-оятлардаги Асҳоби каҳф (ғор эгалари)га эргашган Қитмир – ит бўлса, иккинчиси “Ҳуд” сураси 45-46-оятлардаги Нуҳ алайҳиссаломнинг отасига итоат қилмаган ва жаҳаннамга кетган ўғли назарда тутилган.

Мусулмонлар ҳаётида “Ким бир қавмга ўзини ўхшатса, ўша қавмдан ҳисобланади", “Киши севгани билан бирга бўлади”, деган машҳур ҳадислар муҳим ўрин тутгани учун Навоий 100-танбеҳида юқоридаги мавзуга такрор лекин янги сўз ва ташбиҳлар воситасида ёндашади: “Ҳар кишиким, бир қавмнинг сулук ва оҳангин тузар, тадриж била ҳамул қавмнинг рангин тутар. Ҳар кимгаким, пайравлиғ этар, ул мутобаат хосиятидин ул етган ерга етар. Агар бу сўз санга кўрунса маҳол, Асҳоби Каҳф ила итларидин ҳисоб ол. Қитъа:

Набий ўғли томуғни қилди маскан,
Томуг аҳли гуруҳин чун эришти.
Ва лекин жаннат аҳли пайрави ит,
Етишти қайдаким ул эл етишти.

37- танбеҳда амалсиз олим устига китоб юклатилган эшакка ўхшатилган. Аслида бу тамсил “Жума” сураси, 5-оятда шундай келади: “Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини инкор этган кишиларнинг мисоли нақадар ёмондир. Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят этмас”.

Динимизда ёлғончилик улкан гуноҳ ҳисобланади. Ҳадислардан бирида ривоят қилинишича, ҳазрат Пайғамбаримиздан сўрашган. Мўмин одам бахил бўлиши мумкинми? Ҳа, деганлар. Хасис бўлиши мумкинми? Ҳа, деганлар. Ёлғончи бўлиши мумкинми, деганларида, Йўқ! деб жавоб берган эканлар. Шунинг учун бўлса керак, Навоий ҳам бу мавзуга кўп эътибор берган. 50-51, 59, 60, 123-танбеҳларда ёлғончилик, ёлғон гапиришнинг гуноҳ ва хунук оқибатларига кенг тўхталган. Бир жойда айтадики: “Ёлғончини дебдурларки, Тенгри душманидур”. Чунки Қуръоннинг юзлаб оятларида Аллоҳ ваъдаларини ва Пайғамбарлар хабарларини инкор қилган кишилар лаънатланган ва дўзахга маҳкумликлари айтилган. Масалан, “Анкабут” сураси, 68-оятда шундай дейилган: “Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ҳақиқат (Қуръон) келган чоғда уни ёлғонга йўйган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир. Кофирлар учун жаҳаннамда жой бор эмасми?

Такаббурлик ва манманлик ҳам барча даврларда ва барча жамиятларда энг номақбул хулқлардан ҳисобланган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Юсуф бин Ҳусайннинг шундай ҳикматини келтиради:” Барча яхшиликлар уйнинг ичкарисида, унинг калити тавозуъдир. Барча ёмонликлар ҳам уй ичкарисида. Унинг калити эса, такаббурликдир”.

Кибру манманлик мавзуси “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам хийла ёритилган. Асарнинг 8-танбеҳида ўқиймиз:“Такаббур шайтон иши ва бийиклик (улуғлик даъво қилиш) нодон иши. Мутакаббир Тенгри дўстлари олида матъун (айбдор ва хўрланган) ва Тенгри қошида мардуд ва малъун”. Бу сатрларни ўқир эканмиз, Навоийнинг нимага шама қилаётганини англаймиз ва бевосита кўз олдимизга Одам алайҳиссалом ва Шайтон қиссаси келади. Улуғ шоир “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ҳазрат Одам қиссасини Қуръон оятлари асосида баён қилган. Унда айтилишича, Аллоҳу таоло ўзининг халифаси бўлган ҳазрати Одамни яратгандан сўнг

фаришталарга унга сажда қилишни буюради. Барча фаришталар сажда қиладилар, фақат Иблис такаббурлик қилиб сажда қилишдан бош тортади [Қуръони карим 2018:30-31-оят]. Ва иблис кўп тоат қилғондин сўнг малоика мартабасиға етиб эрди. Чун Тангри таоло амридин бўюн тўлғоди, шақоват ва лаънати жовид тавқи анинг бўйниға туштиким, “Ва албатта то жазо (қиёмат) кунигача сенга (барчанинг) лаънати бўлур” (“Ҳижр” сураси, 35-оят).

Кўриб ўтканимиздек, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида Қуръони карим оятларидан унумли ва моҳирлик билан истифода этилган. Биз айрим мисоллар билан чекландик. Навоий асарларида Қуръоннинг ўрни, у ёки бу даражадаги таъсирини аниқлаш, улуғ шоирнинг дунёқараши, эътиқоди ва маҳоратини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Биз бу борадаги тадқиқотларимизни давом эттирамиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Алишер Навоий. ТАТ. 8-жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2011.
2. Алишер Навоий. ТАТ. 9-жилд. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2011.
3. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент. 1981. (Қаранг: Иқтибос машҳур қавлга кўра Қуръон ва Ҳадисдан бир нимани анинг Қуръон ва Ҳадисдан олинганиға ишора бўлмаган тарзда каломга киритмакдин ибораттур... Акд улдурким, насрни назм қилурлар...
4. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – 524 с.
5. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва Ҳадисларнинг бадиий талқини. – Самарқанд, 2017. – 188 б.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 119 б.
7. Маҳмуд Асъад Жўшон. Зикруллоҳнинг фазилатлари. – Тошкент, 1999.
8. Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси / “Хамса”ларнинг биринчи достонлари асосида // Филол.фанлари доктори...дисс. – Тошкент, 1995. – 268 б.
9. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. – 153 б.
10. Рустамов А. Маҳбуб ул- қулуб(шарҳи) // Гулистон, 1989, №8. 10-11-бетлар.
11. Сирожидинов Ш. Алишер Навоий ақидалари. – Тошкент, Navoiy, 2018. – 39 б.
12. Ўтанова С. Инсон ахлоқининг рангли манзаралари. Alisher Navoi. 2022, Vol.1, Issue 3, (151-57) pp. ISSN 2181-1490 Doi Journal 10.26739/2181-1490.
13. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – 269 б.
14. Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. 7-нашр. – Тошкент, 2018.
15. Ғаниева С. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1968. – 148 б.
16. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий –танқидий қарашлари. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. – 196 б.

ISSN 2181-9904

Doi Journal 10.26739/2181-9904

ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

2-JILD, 3-SON

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ АЛИШЕР НАВОИЙ

ТОМ-2, НОМЕР-3

INTERNATIONAL JOURNAL ALISHER NAVOIY

VOLUME-2, ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000